ЧЎЛПОН ШЕЪРИЯТИДА КЎНГИЛ ТИМСОЛИ

Нормат Йўлдошев, Шоира Бобомуҳаммедова

Ҳар бир ижодкор яшаган даври, замони билан ҳамнафас яшайди. Ўз давридан, замондан узилиб кетолмайди. Давр манзаралари, давр воқеалари унинг асарларида акс этади. Миллатнинг оташнафас шоири Чўлпон ҳам талатўплар, эврилишлар даврида яшади.

Чўлпон адабиётга жадид мафкураси орқали кириб келди. Халқ дарди, миллат ғами билан ўз фаолиятини бошлаган жадидлар янги миллий адбиётни бошлаб бердилар. Гарчи бу давр адабиёти маърифат нури билан йўғрилган бўлса-да, санъатнинг ҳар бир соҳасида ўнлаб истеъдодларни майдонга чиқарди.

Ўзбекнинг янги шоири Абдулҳамид Чўлпон илк шеъри «Бизнинг халқ»дан бошлаб карахтлик, маҳдудликда, уйқуда ётган миллатни уйғотиш ҳақидаги асарлар ёза бошлади.

Ҳар бир ижодкорнинг энг яқин сирдоши, Ватани — Кўнгил. Ҳар бир янги асар туғилишидан аввал кўнгилда улғаяди. Ҳазрат Навоий ҳақли равишда «Не назмки, ўтлуғ кўнгилдин чиқордим» деб ёзадилар. Чўлпон шеърларида ҳам Кўнгил тимсоли билан боғлиқ бир қанча намуналарни учратамиз.

Кўнгилдаги муҳаббатнинг учқунин
Хаёлимнинг бир бурчида беркитдим.
Ул учқуннинг кучлигидан сийнамда
Ҳеч тузалмас, оғир яра бор этдим...

Лирик қаҳрамоннинг қалбидаги ҳеч тузалмас, оғир яра миллат дардининг зўрлигидан туғилгандир.

Шоир лирик қаҳрамони руҳиятида бу каби изтиробли туйғулар пайдо бўлишининг маълум сабаблари бор. Бу ҳақда адабиётшунос Улуғбек Ҳамдам шундай ёзади: «Руҳ ва вужуд учрашган жойда изтироб дунёга келади. Санъаткор кўз очиб ўзини оралиқдан — изтиробнинг қароргоҳидан топади. У бошқалардек қаршисида чиққан йўллардан бирини танлаб, қолганига қўл силтаб кетолмайди. Чунки бу йўлларнинг бир учи реал дунёда бўлса, иккинчи бир учи санъаткорнинг қалбига, ботиний оламига туташиб кетган. У

мазкур қутбларни муросага келтиришга уриниб мақсадига етишолмаслигини билганига қарамай, чекаётган заҳмати завқидан воз кечолмай, унга мубтало бўлмай, аросатда яшайди. Бироқ ўзгалардан фарқ қилиб, санъаткор фароғатга дардни кечиб ўтиш орқали қайғуларини қувончга айлантириш орқали етмоқчи бўлади... бу санъаткорнинг қисмати...»[1;160]

Чўлпоннинг қисмати ҳам шундай эди. У фароғат дардини воз кечиб ўтиш орқали, ўзини азобга қўйиб, ўз халқи билан бирга саодатли манзилларга етмоқчи бўлади. Шу боисдан шоирнинг лирик қаҳрамони мавжуд тоталитар жамият билан муросаа қила олмайдиган, исёнкор руҳдаги қаҳрамондир.

Лирик қаҳрамоннинг исёнкор, эрксевар руҳда бўлишининг маълум бир ижтимоий сабаблари бор. Маълумки, Чўлпон сингари жадид зиёлилари 1917 йилда ташкил топган —Туркистон мухториятига катта умид боғладилар. Афсуски, большевиклар диктатурасининг тазйиқи билан Туркистон мухторияти шавқатсиз равишда бостирилди. Минглаб бегуноҳ одамларнинг қони сабабсиз тўкилди. Қўқонда мисли кўрилмаган хунрезликлар амалга оширилди. Бунга кўҳна тарих гувоҳ.

Чўлпон ижодкор сифатида бу ҳолатларга бефарқ қараб туролмас эди. Унинг қалбида ўт олган аланганинг учқунлари ана шундан бошланган эди. Шоирнинг «Бузилган ўлкага», «Гўзал Туркистон», «Ёнғин» шеърларини кузатсангиз, бунга амин бўласиз.

Чўлпон инқилоблар даврида яшади. Бироқ инқилобларнинг бирортаси халқ истагини бажара олмади. Берилган ваъдалар саробга айланди. 20-йиллардан бошлаб Чўлпон лирик қаҳрамони руҳиятида алданиш азобларини бошидан ўтказаётган лирик «мен»нинг маҳзун кайфиятдаги ҳолатларини кузатамиз:

Кўнглимда йиғлаган малаклар кимлар?
Шарқнинг оналари, жувонларими?
Қаршимда йиғлаган бу жонлар кимлар?
Қуллар ўлкасининг инсонларими?

«Амалнинг ўлими» деган шеърдан олинган ушбу парчада келажак орзулари барбод бўлган лирик «мен»нинг изтироблари ифодаланган.

«Амал» — шоир шеърларида мақсад, маслак, орзу, тилак маъноларида келади. Шеърда гарчи Шарқ аёлларига урғу берилган бўлса-да, аслида, инсон ҳурлиги, озодлиги масаласига эътибор берилади.

Кенглик хаёллари учдими кўкка?
Бутун умидларни ёвларми кўмди?
Мангу тутқунликда кирдими ўлка?
Хаёлда порлаган шамларми сўнди?

Тутқунликка кирган ўлка қисмати ижодкор қалбига бир лаҳза бўлса-да тенглик бермайди. Шеърда лирик қаҳрамон юрагига яқин бир тимсол, бир из бор: Шоир ёзганидек:

У бир из, кўзимнинг нурларидан ҳам,
Юксакдир, мен уни ўпмак истайман.
Агар топилмаса бу юртлардан ҳам,
Кўчиб йироқларга кетмас истайман.

Чўлпон қалбидаги бир из — эрк юлдузи; нажот юлдузи. «Тутқун эллар учун само кундузи». Юлдуз Шарқ мифологиясида адашган одамларга йўл кўрсатувчи вазифасини ҳам бажарган. Мунажжимлар юлдузларга қараб инсонлар, мамлакатлар тақдири ҳақида фикр-мулоҳаза юритишган. Чўлпон шеърларида ҳам бу образга кўп бор мурожаат

қилинади. Бу бежиз эмас. Чунки Чўлпон юлдуз тимсолида юрак қатларидаги мавжуд ҳақиқатларни айтишга имкон топган.

Чўлпоннинг ҳар икки шеъридан бирида Кўнгил, юрак, кўкрак тимсолларига дуч келамиз. Лекин шоирнинг бевосита кўнгилга мурожаат қилиб ёзган кичик шеърида катта ҳаёт манзаралари қаламга олинган. Адабиётшуносликда ушбу шеърнинг бир неча талқинлари мавжуд. Бу ҳақда Жумагул Жумабоева шундай ёзади: «Шеър кўнгилга мурожаат қилиш билан бошланади. Нега айнан кўнгилга? Негаки, кўнгил илоҳий, маърифий, ишқий ҳақиқатлар маркази бўлганидек, ижтимоий ҳолатларнинг ҳам кўзгусидир. Шу кўзгуга қараб инсоннинг давр ва замонга, давр ва замоннинг эса инсонга муносабатини билиш мумкин. Шу кўзгу — қисмат кўзгусидир. Албатта, инсон кўнгли ҳамма нарсани ўзига яқин, хусусан, дўст кўравермайди. Лекин Чўлпон кўнгилнинг «кишанлар бирла» дўстлашувидан баҳс очганки, шу фикрнинг ўзиёқ унинг эрксизликка кўникишга тиш-тирноғи билан қаршилигини билдиради»[2;16]. Бу ўринда тадқиқотчи ҳам ҳақ. Шеърга мурожаат қиламиз:

Кўнгил сен бунчалар нега,
Кишанлар бирла дўстлашдинг?
На фарёдинг на додинг бор.
Нечун сен бунча сустлашдинг?

Бизнингча, шоир бу ўринда киноя қилган. Ҳеч бир замонда кишан ва Кўнгил бир-бири билан дўст бўлолмайди, аксинча, шоир кўнгилнинг курашчанлигини янада оширмоқчи бўлади: «Нечун сен бунча сустлашдинг?».

Ҳақиқатдан, тубанликдан дили оғриган лирик қаҳрамон кўнглида исён пайдо бўлади: «Қиличлар энди синмасми?». Шеърнинг хотимасида лирик қаҳрамон қалбидаги исён кескин аланга олади. Инсониятнинг озодлиги, ҳурлиги ҳақидаги ўлмас шиорга айланади:

Тириксан, ўлмагансан,
Сен-да одам, сен-да инсонсан;
Кишан кийма, бўйин эгма,
Ки, сен ҳам ҳур туғилғонсан!...

Чўлпоннинг бу ўтли мисралари нафақат мустамлака асоратида яшаётган туркистонлик қардошларига, балки эрк ва озодлик учун курашаётган бутун инсониятга бағишланган эди. Буюк Чўлпоннинг эрк ва озодлик йўлидаги орзу-умидлари фақат республикамиз мустақиллигидан сўнггина рўёбга чиқди. Чўлпон шеъриятидаги тимсолларни ўрганиш бугунги адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Адабиётлар:

1. Улуғбек Ҳамдам. Бадиий тафаккур тадрижи. Т.: Янги аср авлоди, 2002
2. Жумабоева Жумагул. XX аср ўзбек шеъриятида психологик тасвир маҳорати. Филол.фан.докт.дисс... автореферати.- Т., 1999

Термиз давлат университети,
2009 йил 12 мартда қабул қилинган.
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Қуронов)